Ҳужжат имзоланган:

| 1 | 2 |
|---|---|
| сана:2022.05.25 20:44:50 | сана:2022.05.25 21:09:20 |
| серия рақами: 7783e0a4 | серия рақами: 7791646e |
| компания:Jizzax shahar XTB | компания:MIRZACHO`L AGRO QURI LOYIHA |
| стир: 201432889 | стир: 302582802 |
| фиш: ЗОИРЖОНОВ МИРЗА | фиш: ФАЙЗУЛЛАЕВ ДИЛШОД |
| email: | email: |

ID: 11ECDC4198DA789E83431E0008000075
электрон ҳужжат идентификатори

## ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ ПРОТОКОЛИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Етказиб берувчи | JIZZAX SHAHAR XTB | Сотиб олувчи: | MIRZACHO`L AGRO QURI LOYIHA |
| СТИР | 201432889 | СТИР | 302582802 |
| Манзил | Жиззах шаҳар Тошлоқ маҳалласи Шифокорлар кўчаси №5уй | Манзил | НАМУНА МАХАЛЛАСИ БИРЛАШГАН КЎЧАСИ 2/1 |

## Ҳужжат ҳақида маълумот

| | |
|---|---|
| Ҳужжат номи | Шартнома |
| Ҳужжат рақами ва санаси | № № 6 дан 25.05.2022 |
| Шартномага | № № 6 дан 25.05.2022 |





**ЛОЙИҲА –СМЕТА ПУДРАТ
ШАРТНОМАСИ № 6**

Жиззах шаҳри 2022 йил "25" Май

Кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** деб юритиладиган Жиззах шаҳар халқ таълими бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари О.Ҳамракулова бир томондан, кейинги ўринларда **«Пудратчи»** деб юритиладиган **«Мирзачўл агро қурилиш лойиҳа»МЧЖ** корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Д.Файзуллаев иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани тузадилар.

### 1.Шартнома мавзуси

1.1.Пудратчи **«Мирзачўл агро қурилиш лойиҳа» МЧЖ** мазкур шартнома шартларига асосан **Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли №4-мактаб биносини жорий таъмирлаш** объекти учун лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаб бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса шаҳар **молия бўлими томонидан объектнинг шаҳар ғазначилик бўлими махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.**

### 2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. «23» май куни танлов ҳайъати йиғилишининг 84520-сонли баёнига асосан жорий нархларда 8 500 000 **(Саккиз миллион беш юз минг)** сўмни, шу жумладан қўшимча қиймат солиғи 15% - *8 500 000* сўмни ҳамда муаллифлик назорати 8 500 000 сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан "3" кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил " 28 " майда буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### 3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

### 4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Кўриб чиққан юрист: FAYZIYEVA NARGIZA NASULLAYEVNA. Ҳужжат рақами: TN4351574848

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

**5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.**

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорида аванси ўтказади.

5.2.Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган аванси пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

**6.Ишларни бажариш**

6.1. Пудратчи лойиҳа-СНИП ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлайди.Бош муҳандис лойиҳа-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қилади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

**7.Ишларни топшириш ва қабул қилиш**

7.1.Пудратчи томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хулосасига кўра, тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги "Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3550-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хулосаси олингандан сўнг, Пудратчи 3 кун мобайнида лойиҳанинг ишчи ҳужжатларини 3 нусхада, смета ҳужжатларини 1 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Пудратчи ушбу накладной асосида Ф-3 счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қилади. Лойиҳанинг ишчи ҳужжатлари юқоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган ҳисобланади.

7.2.Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четга чиқишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликларни аниқлагандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилади. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

**8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**





8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

**9. Кафолатлар**

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди:

**10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

10.1.Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларнинг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди. Пудратчи тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида қатнашишга мажбур.

10.2.Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеннянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеннянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ зарар тўлиғича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

### 11.Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт:

- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

### 12.Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал





IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: HZ68103706

этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

### 13.Шартномани бекор қилиш

13.1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

13.3.Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4.Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.

13.5.Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

### 14.Алоҳида шартлар.

14.1.Мазкур шартнома Жиззах шаҳар Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди.Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

### 15.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

| "Буюртмачи" | " Пудратчи" |
| --- | --- |
| Жиззах шаҳар халқ таълими бўлими.<br>Манзил: Жиззах.ш. Тошлоқ маҳалласи<br>Шифокорлар кўчаси 5 уй<br>Тел./факс: 72-226-28-70<br>шҳх: 401722860084017092100075001<br>СТИР: 201 432 889<br><br>Д.<br>Жиззах вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси<br>**ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010**<br>Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар<br>Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)<br>МФО: 00014 Ғазначилик бўлинмасининг<br>СТИР: 201 122 919<br>Раҳбар: _____ О. Ҳамрақулова<br>М.Ў. | " MIRZACHO'L AGRO QURILISH LOYIHA " МЧЖ<br>Манзил: Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри.<br>Х/Р: 2020 8000 9002 1295 7001;<br>Банк: ОАТБ «Қишлоқ Қурилиш Банк» Гулстон ш.<br>ИНН: 302 582 802; МФО-00370<br>Тел./факс: 99-325-32-42<br>Раҳбар: Файзуллаев<br><br>М.Ў. |

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MIRZACHO'L AGRO QURILISH LOYIHA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MIRZACHO'L AGRO QURILISH LOYIHA" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

18.04.2013 0070 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 302582802

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, NAMUNA MAXALLASI, BIRLASHGAN KO'CHASI, 90-UY

Guvohnoma: Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
JIZZAX SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

130100, Jizzax shahar, Sharof Rashidov shox ko'chasi,
tel.: (998) 55 151 15 73, el.pochta: jizzaxyuridikmarkaz@gmail.com

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.
2. Loyihaning nomi: Loyiha-smeta pudrat shartnomasi.
3. Loyihaning mazmuni: Jizzax shahar Xalq ta'limi bo'limi va ""MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" MChJ o'rtasida lot raqamli №84520- sonli tanlov g'olibi bilan 2022-yil 25-maydagi №6-sonli umumiy summasi 8 500 000 (sakkiz million besh yuz ming) so'mlik loyiha-smeta pudrat shartnomasi to'g'risida.
4. Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot: Jizzah shahar xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan.
5. Loyiha dasturga kiritilgan sana: 2022-yil 25-may kuni yuborilgan.
6. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

**Markaz bosh yuriskonsulti:** **N.Fayziyeva**

HZ68103706

Юрист исм фамилияси: FAYZIYEVA NARGIZA NASULLAYEVNA

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**25.05.2022 даги**

**ООО"Mirzachol agro qurilish loyiha" ва Жиззах шахар ХТБ ўртасида 8500000,00 сўм умумий суммага тузилган № 6 - сонли шартномага**

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ***

Боб 075

Шахсий ғазна ҳисобварак 401722860084017092100075001

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4239000 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | 8 500 000,00 | | | 8 500 000,00 |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **8 500 000,00** | | | **8 500 000,00** |

Жами 8500000,00 сўм Саккиз миллион беш юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 2550000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан 2022 йил май_ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______ Ҳамрақулова.О
(имзо) Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______ Юсупов.Л
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______
(имзо)

«___» ________________ 2022 й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ______
(имзо)

«___» ________________ 2022 й.

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 84520 на приобретение Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли № 4-мактаб биносини жорий таъмирлаш объектига лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш.**

Способ проведения электронный

Дата 23.05.2022

Время рассмотрения 21.05.2022 13:46

Конкурсная комиссия Жиззах шахар Халк таълим булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | KAMILOV BOBIR ARZIQULOVICH | Халк таълим мудири | Хаят раиси |
| **Секретарь комиссии** | UMAROV ASROR AXROROVICH | Давлат харидлари ва шартномалар хисобчиси | Котиб |
| **Член комиссии** | USAROV ABDUNAZIR TURDIBOYEVICH | Эксплатация мутахасиси | Комиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | RAVSHANBOYEV SARDOR JASUR O'G'LI | Хисоб китоб хисобчиси | Комиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | YUSUPOV LAZIZJON AZIZJON UG'LI | Бош хисобчи | Комиссия азоси |
| **Член комиссии** | BEKAMOV BAXODIR G'IYOSOVICH | эксплататция бўлими бошлиғи | камиса азоси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.05.2022 года № лота 84520.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 55

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по разработке проектно-сметных работ** |
|---|---|
| Подробное описание | Ушбу лот буйича бир бирлик учун кўрсатилган нарх лойиха смета хужжатларини ишлаб чикиш буйича объект қийматининг қуйидаги нарх буйича тақдим этади. Реконструкция ва янги курилиш ишлари учун 550 миллиондан 960 миллион сўмгача. Экспертиза хулосаси, ДАКН инспекцияси хулосаси, АПЗ, Геология хулосаси, Топосъёмка ва бошқа керакли хужжатлар учун тўлов лойхачи томонидан тўлаб берилади. Бундан ташқари, лойхачи қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган вақтда ўз авторлик назоратини олиб боради. |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 10 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 10 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 2. Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

Тип: Бинарное значение

Описание: 2. Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| SANGZOR PROJECT INVEST MCHJ | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| "MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| ООО BIMPROCITY | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| Architects Project Group MCHJ | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 1. 1. Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

Тип: Бинарное значение

Описание: 1. Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| SANGZOR PROJECT INVEST MCHJ | 20 | 1 | 14 | Экспертная | | |
| "MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 20 | 1 | 19 | Экспертная | | |
| ООО BIMPROCITY | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| Architects Project Group MCHJ | 20 | 1 | 18 | Экспертная | | |

Критерий №3 4. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Тип: Бинарное значение

Описание: 4. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| SANGZOR PROJECT INVEST MCHJ | 20 | 1 | 18 | Экспертная | | |
| "MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| ООО BIMPROCITY | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| Architects Project Group MCHJ | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 3. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

Тип: Бинарное значение

Описание: 3. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **SANGZOR PROJECT INVEST MCHJ** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| **"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| **OOO BIMPROCITY** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| **Architects Project Group MCHJ** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 5. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Тип: Бинарное значение

Описание: 5. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **SANGZOR PROJECT INVEST MCHJ** | 20 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 20 | 1 | 19 | Экспертная | | |
| **OOO BIMPROCITY** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| **Architects Project Group MCHJ** | 20 | 1 | 19 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **OOO BIMPROCITY** | 10 000 000.00 | 9 000 000.00 | 19.05.2022 12:52:39 | 13.33 |
| **SANGZOR PROJECT INVEST MCHJ** | 10 000 000.00 | 8 000 000.00 | 18.05.2022 18:11:51 | 15.00 |
| **Architects Project Group MCHJ** | 10 000 000.00 | 8 490 000.00 | 19.05.2022 17:01:14 | 14.13 |
| **"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 10 000 000.00 | 8 500 000.00 | 19.05.2022 11:34:57 | 14.12 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **OOO BIMPROCITY** | 80.75 | 13.33 | 94.08 |
| **SANGZOR PROJECT INVEST MCHJ** | 69.7 | 15 | 84.7 |
| **Architects Project Group MCHJ** | 78.2 | 14.13 | 92.33 |
| **"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 83.3 | 14.12 | 97.42 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 84520 от 23.05.2022 года на приобретение Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли № 4-мактаб биносини жорий таъмирлаш объектига лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш. определила победителем:

"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati
302582802

и резервный исполнитель: OOO BIMPROCITY (306865913)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | YUSUPOV LAZIZJON AZIZJON UG'LI | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | KAMILOV BOBIR ARZIQULOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | USAROV ABDUNAZIR TURDIBOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | RAVSHANBOYEV SARDOR JASUR O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | BEKAMOV BAXODIR G'IYOSOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Жиззах шаҳар ХТБ мудири**
**__________О.Ҳамрақулова**
**23- Май 2022 йил**

Жиззах шахар халқ таълими бўлимига қарашли №4-мактаб биносини жорий таъмирлаш учун лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича хайъат аъзолари томонидан ўтказилган

ЙИҒИЛИШ БАЁННОМАСИ:

Жиззах шаҳар ХТБнинг 18.05.2022 йилдаги №2022-208-3-55-ХТ-сонли буйруғи билан тасдиқланган танлов хайъати аъзолари қуйидаги тартибда қатнашдилар.

Бизлар қуйида имзо чекиб тасдиқловчилар коммисия раиси О.Ҳамрақулова аъзолари Б.Бекамов, Л.Юсупов, С.Равшанбоев, Ў.Норматов Жиззах шахар халқ таълими бўлимига қарашли № №4-мактаб биносини жорий таъмирлаш учун лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олишга қўйилган 12.05.2022 йилда №22110012084520-сонли лот билан 10 000 000 (Ўн миллион) сўмлик лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олишга қўйилган. 2022 йил 23-май куни №22110012084520-сонли лотга танловда иштирок этган **«Мирзачўл агро қурилиш лойиха» МЧЖ** 8 500 000 (Саккиз миллион беш юз минг) сўмга лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича танлов ғолиби бўлган. **«Мирзачўл агро қурилиш лойиха» МЧЖ** бажарадиган лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлиги сабабли 25-май 2022 йил № 6-сонли смета-лойиха пудрат шартномаси тузишга келишилди.

1. ________О.Ҳамрақулова – ХТБ рахбари, хайъат раиси
2. ________Б.Бекамов – ХТБ Экспулатация бўлим раҳбари, хайъат аъзоси
3. ________Л.Юсупов– Бош хисобчи ўринбосари, хайъат аъзоси
4. ________С.Равшанбоев– хисобчи, хайъат аъзоси
5. **________ Ў.Норматов – ХТБ Экспулатация бўлими мутахассиси, хайъат аъзоси**
6. ________А.Умаров-ХТБ давлат харидлари ва шартномалар хисобчиси

“ ТАСДИҚЛАЙМАН ”
Жиззах вилоят Жиззах шаҳар халқ
таьлими бўлими мудири
_______________ Б.Камилов
«_07_» ______май______ 2022 й.

Жиззах вилояти Жиззах шахар халқ таълими бўлимига қарашли № 4-сонли умумий ўрта таьлим мактаби биносини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун.

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Жиззах - 2022 йил

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Жиззах вилояти Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли № 4-мактаби биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш АТТА лойиҳаси, техник кўрик ишлари ҳаражатлари билан бирга).

Танловнинг юкори қиймати ҚҚС билан 10 000 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади. 1.4.Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 30 фоизи доирасида амалга оширилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Жиззах шаҳар халқ таълими бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Жиззах вилоят Жиззах шахар Тошлоқ махалласи Шифокорлар кўчаси №5уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: 2 - шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; - ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; - Лицензия, гувохнома; - Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ходимлари); - Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, бухгалтерия баланс хужжатлари; салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот; - Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти; - Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси; - Оргтехника жиҳозлари ва дастурлар рўйхати; - Кафолат хати (буюртмачига ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда). Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун

белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим: ● Техник қисмда, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак; ● Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак. Танлов иштирокчилари хар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит холда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади: Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар: ● Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади); ● Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси: - фақат битта таклиф бериши мумкин; - тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади; - таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга

*ўзгартишлар киритилади.*

*7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.*

*7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.*

*7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.*

*7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.*

«TASDIQLAYMAN»
Jizzax shahar Xalq ta’lim bu’limi
mudiri v/b ____________B.Kamilov
«_07_» ____май______2022 y.

“Jizzax shaxar Kimyogar MFYdagi 4 -sonli umumta’lim maktabini joriy tamirlash boyicha loyiha-smeta xujjatlarini ishlab chiqish uchun

# LOYIHA TOPSHIRIG’I

Jizzax sh. 2022 yil.

**“Jizzax shaxar Kimyogar MFYdagi 4-sonli umumta’lim maktabini joriy ta’mirlash” boyicha loyiha-smeta xujjatlarini ishlab chiqish uchun**

| T/r | Asosiy malumotlar va talablar royhati | Asosiy malumotlar va talablar tarkibi |
|---|---|---|
| 1 | **Buyurtmachi** | Jizzax shaxar Xalq ta’limi |
| 2 | **Loyihalash uchun asos** | Xalq deputatlari Jizzax shaxar kengashining 2022 yil 23 apreldagi VI-41-45-3-55-K/22-sonli qaroriga asosan |
| 3 | **Ajratilgan limit** | **500.0** mln.so’m PIR hisoga olingan xolda. |
| 4 | **Qurilish turi** | Joriy ta’mirlash |
| 5 | **Moliyalashtirish manbasi** | Mahalliy byudjet mablag’laridan |
| 6 | **Bosh loyihalash tashkiloti** | Xarid tartib taomillari asosida aniqlanadi |
| 7 | **Bosh pudratchi** | Xarid tartib taomillari asosida aniqlanadi |
| 8 | **Loyihani ishlab chiqish muddati** | Shartnomada aniqlanadi |
| 9 | **Ob’ektning joylashgan joyi** | Jizzax shaxar **Kimyogar** MFY |
| 10 | **Qurilishni boshlash muddati** | 2022 yil |
| 11 | **Qurilishni tugallash muddati** | 2022 yil |
| 12 | **Loyihalash navbatlari va bosqichlari** | Bir bosqichda |
| 13 | **Ob’ektni resurslar bilan ta’minlash** | Mahalliy qurilish materiallaridan foydalanishga ustuvorlik berilishi ishchi loyihada inobatga olinsin. |
| 14 | **Qurilish maydoni haqida ma’lumot va rejalashtirish cheklovlari. Maxsus geologik va gidrogeologik xulosalari** | Muhandislik qidiruv xulosasiga asosan bajarilsin.<br>Hudud sesmikligi – 7 ball<br>Muzlash chuqurligi – 0.82 m<br>Shamol yuki – 38 kgs/m2<br>Tomyopma uchun qor yuki -50 kg/m2 |
| 15 | **Ob’ektning asosiy ko’rsatkichlari va binoning funksional maqsadiga qo’yiladigan talablar** | ShNQ 2.08.02-09 “Jamoat bino va inshootlari” va boshqa me’yoriy xujjatlar talablariga muvofiq loyiha ishlarini bajarish |
| 16 | **Arxitektura qurilish rejalashtirish va konstruktiv yechimlari, shartlari binoni pardozlashga qo’yiladigan talablar** | Material-xom ashyolar maksimal darajada O’zbekiston Respublikasida ishlab chiqarilgan materiallardan foydalanish ko’zda tutilsin.<br>Binoning yong’inbardoshlik darajasi –I<br>- Martabga suniy qoplamali stadion qurish. Darvoza almashtirish. Kuzatuv kameralari ornatish. |
| 17 | **Vazirliklar va idoralar bilan muvofiqlashtirish zarurligi to’g’risida ko’rsatma** | Loyixa xujjatlarini belgilangan tartibda barcha tegishli tashkilotlar bilan kelishish.(Nuqsonlar dalolatnomasi) |

| | | |
|---|---|---|
| 18 | **Loyihalash ishlarini bajarishga qo'yiladigan talablar** | Smeta xujjatlari .Nuqsonlar dalolatnomasi tarkibi va ularning mazmuni amaldagi me'yoriy talablarga muvofiq bo'lishi kerak; - smeta xujjatlarini tasdiklangan standartlarga muvofiq rejalashtirilgan qurilish muddatiga to'g'ri keladigan narxlar bo'yicha muvofiq ishlab chiqish; |
| 19 | **Qurilishni tashkil etish loyihasini ishlab chiqish (POS)** | O'zbekistan Respublikasida amalda bo'lgan me'yoriy qoidalarga muvofiq ishlab chiqilsin. |
| 20 | **Qurilishni tashkil etish loyihasini ishlab chiqish** | SHNK ga asosan to'liq hajmda ishlab chiqilsin. |
| 21 | **Topshirish qabul qilish tartibi** | Ishchi loyiha ushbu topshiriq talablariga binoan qabul qilinadi Ishchi loyiha 4 nusxada qog'oz va 1 nusxada elektron shaklda amaldagi standartlar bo'yicha rasmiylashtirilgan bo'lishi kerak |
| 22 | **Qurilishda mualliflik nazorati** | Bir oyda 4 (to`rt) marotaba mualliflik nazoratini olib borish Loyiha tashkiloti tomonidan ishlab chiqilgan grafik asosida olib boriladi.Obyektda pudratchi yoki Buyurtmachi tomonidan masala ko'tarilganda, loyihachining ob'ektga borishi zaruriy shart hisoblanadi. |

*Izoh: Tanlov savdosi natijalariga ko'ra aniqlangan loyiha tashkiloti bilan obyektning joyiga chiqib o'rganishlar natija loyiha topshirig'iga o'zgartirishlar kiritilishi mumkin.*

**Tayyorladi:**
**Jizzax shahar Xalq ta'limi Maxsus ta'mirlash va ekspluatatsiya bolimi boshligi:** **B. Bekamov**

**Foydalanuvchi tashkilot:** ______________________________ ______________

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI JIZZAX SHAHAR XALQ TA'LIMI BO'LIMI · O'RTA TA'LIM MAKTABI · 4 ·